<sup>10</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 287-288




Расм 3.7 Умумий шина структураси.

Шина асосий параметрлари:

- **Шина кенглиги**, маълумотлар узатиш учун адрес линиялари сони;
- **Тактли частота**, алоқа канали орқали алоҳида битлар узатиш тезлигини аниқлаш;
- **Алмашинув протоколлари**, қурилмалар ўртасида маълумот алмашиниш қоидаларини аниқловчи.

Бажарадиган функцияси ва мақсадига қараб барча турли компьютер шиналарини **локал** ва **тизимлига** бўлиш мўмкин.



Расм 3.8 Кўприкли MPC620 платаси

Локал шиналар чекланаган компьютер компонентларини(маркази процессорни асосий ҳотира ёки контроллер ва ташқи қурилмалар адаптерлари билан) бирлаштириш учун хизмат қилади.

Тизимли шина турли тезликдаги киритиш/чиқариш қурилмалари билан бирлаштиришда хизмат қилади.

Ихтиёрий стандар шиналар маълумотлар узатиш линияси ва алоҳида адреслар узатиш линияси, аппаратли узилишлар линияси, хотирага тўғридан тўғри мурожаат канали линияси, хизматчи ахборотни ташувчи битларни узатувчи, электр таъминот тузилиши линияларини ўз ичига олади<sup>11</sup>.

<sup>11</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 288

**Тизимли шина** тизимли блок асосий платасида жойлашган барча компьютер қурилмаларини электр ва мантикий бирлаштириш учун хизмат қилади.

### Назорат саволлари

1. Процессор нима?
2. Қўшимча процессорнинг вазифаси?
3. Ўрнатилган тизимлар платалари қаерда лойиҳалаштирилади?
4. Асосий процессор мураккаблигига қараб қандай синфларга ажралади?
5. Микропроцессорлар нималардан ташкил топган?
6. доимий хотира нима ва унинг вазифаси?
7. Тезкор хотира нима ва унинг вазифаси?
8. Хотира физик адреси деб нимага айтилади?
9. КЭШ ва тезкор хотирларнинг фарқи?
10. Нега жойлаштирилган процессорлардан фойдаланамиз?
11. Шина нама?
12. Кириш чиқариш платаси нима?
13. Кўприкли MPC620 платасини тушунтириб беринг?
14. Умумий шина структураси тушунтириб беринг?
15. Шина кенглиги тушунтириб беринг?

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. E. A. Lee and S. A. Seshia “Introduction to Embedded Systems - A Cyber-Physical Systems Approach”, LeeSeshia.org, 2011, pages – 491.
3. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011

4. Abraham Silberschatz, Peter B. Galvin, and Greg Gagne, Operating System Concepts with Java, eighth-edition, John Wiley & Sons, Inc. 2013

### **Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая\\_система](https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая_система)
3. <http://www.linuxjournal.com/>
4. <http://www.embedded.com/>

**4- мавзу: Arduino ўрнатилган тизими микрофон аудио ахборотни қайта ишлаш ва мусиқа. Arduino дастурларида класслар яратиш. Тугмача объектини яратиш, кутубхона яратиш.**

**Режа:**

1. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотида қўйилган талаблар ва хусусиятлари.
2. Ўрнатилган операцион тизимлар.
3. Дастурий таъминот ўрта қатлами.

**Таянч иборалар:** *коммутатор, контроллер, хотира, протокол, процессор, интегратор, дистрибутив, репозитарий, MOM, ORBs, OSI, JVM, Java solutions, Microsoft.NET, Compact Framework, CORBA, ДМК, PLC*

**4.1.Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотида қўйилган талаблар ва хусусиятлари.**

*Widget*

Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти мураккаб ўрнатилган тизимларни(МЎТ) ва махсус асбоблик воситаларини қўллашда муҳим роль ўйнайди. Ўрнатилган тизимларни лойихалашда дастурий лойихага ва бундай лойихаларни бошқариш хусусиятларига махсус эътибор бериш керак.

**Асосий таърифлар**

Дастурий таъминот–тизимни каътий маҳкамланмаган (soft - юмшоқ) аммо ўзгартириш мумкин бўлган қисми.Ўзгартирилмайдиган тизимлар (hard-каттик), масалан, ўз таркибида дастурий таъминотга эга тармоқли коммутатор, аппарат таъминот деб ҳисобланади.

Реал вақтдаги операцион тизим (РВОТ) –бу ўрнатилган тизимни ресурсларини ажратиш ва тақсимлаш воситаси.



Дастурланувчи мантикий контроллер (ДМК, PLC) - профессионал дастурловчи эмас балки сўнгги фойдаланувчи томонидан дастурлановчи контроллер. ДМК одатда фойдаланувчи ўзи куриши мумкин бўлган модуллар-конструкторлар йиғини кўринишида чиқарилади. Одатда ДМК таркибига процессорли модуль ва бир неча киритиш-чиқариши модуллари киради.

### **МЎТ дастурий таъминотини хусусиятлари**

Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти хусусиятларига қуйидагилар киритилади:

- Реалвақт;
- Ишончлилиқ;
- Хавфсизлиқ;
- Аппаратларни кичик ресурслари (хотира, тезкорлиқ, электрманбаа);
- Ишга солишни оғир шароитлари.

Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти қуйидаги усуллари билан курилади:

- Махсус масала учун (махсуслашган ДТ);
- РВОТ асосида;
- Умумий ОТ асосида;
- ДМКни виртуал машинаси асосида.

### **Реал вақтдаги операцион тизимлари**

Реал вақтдаги операцион тизимлар лойихалашда мураккаб ўрнатилган тизимларни дастурий таъминотини тадбиқида доимий хосил қилувчи бўлиб

қоладилар. Бу эса РВОТни мураккаб ўрнатилган тизимларда қўлланилиши қўйидагиларни беради<sup>12</sup>:

- Амалий жараёнлар орасидаги ресурсларни тақсимлаш ва бу жараёнларни тузиш воситалари бўлиб қолади;
- фойдалинишга турадиган созланган (минимал хатолар сонли) дастурий код;
- РВОТ одатда ижобий ва салбий хусусиятлари бўлган архитектура;
- Кенг номенклатурали (турли контроллерлар, периферия қурилмалари) аппарат воситалар билан алоқа ўрнатиш воситаси.

Турли процессорлар ва контроллерларини алмашув протоколларини қўплигини мустақил қўллаш МЎТ яратувчи, қўпчилик компаниялар учун ихтисодий фойдасиз бўлиб қолади..

МЎТ таркибида дастурий таъминот ичида РВОТларни қўллаш асосий сабаблари бу:

- тайёр, ишончли ва олдиндан айтиб берилувчи платформани фойдалиниш кераклиги (уни фикациялаш, стандартлаш, модуллиқни тузувчи ва қўллаб қувватловчи дастурни қўплиқдан ажратиш);
- амалий жараёнларни параллел ишлашини таъминлаш кераклиги;
- жараёнларни бир-биридан химоя қилишни таъминлаш;
- хисоблаш тармоғини периферия қурилмаларини тайёр драйверлари билан таъминлаш .


### **Дастурланувчи мантикий контроллерлар**

<sup>12</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 383

Дастурланувчи мантикий контроллер логический контроллер реал вақтда РВОТсиз ишлашни таъминлайди. ДМК дастурлари ўрнатилган тизимлар учун оддий тилларда ёзилган ва оддий компиляторлар қўллаш ёрдамида бажариладиган дастурлардан ишончлироқ. Марказий процессор, унинг регистрлари ва буйруқлар тизими фойдаланувчи учун эришиб бўлмайдиган бўлиб қолади.


ДМК асосида тизимларни икки асосий вариантлар мумкин.

Биринчисида ДМКда пассив (ўзини алоҳида процессори бўлмаган) киритиш-чиқариш модулларини ўрнатиш мумкин бўлган махсус кенгайтириш разъемлар кўзда тутилган. Бундай вариант катта ҳисоблаш қувват хажмини ва кириш-чиқишларни бир жойда жамлаш керак бўлганда афзалликроқдир.



Расм 4.1 Шина орқали уланадиган кенгайтирилиш модулли ДМК

Иккинчи вариантда ДМКда ўз чиқишлари умуман йўқ ёки уларнинг сони миқдорланган. Кириш-чиқишларни қўшимча сони махсус sanoat тармоқ орқали киритиш-чиқариш модулларини улаш билан таъминланади. Бу вариант бошқарув тизимини масштабини эгилувчанлиг билан ўзгартириш ва ишлаб чиқарувчиларга ечиш йўллари танлаш имконини беради.



Расм 4.2 Тармоқли кенгайтирилиш модулли ДМК

### *ДМК дастурлаш хусусиятлари*

Одатда ДМК саноат контроллери сифатида қўлланилади. ДМКда дастурлаш махсус IEC1131-3, IEC61131-3, IEC-61499 ва б. дастурлаш тиллари ёрдамида олиб борилади. Улар тизимли дастурланишни дастурловчидан ажратади ва ишлашни баланд ишончлиликга эришишга олиб келади.

### *ДМКни тадбиқ этиши*

ДМКни икки варианты мавжуд .

#### 1. SoftPLC

Аппарат база сифатида оддий саноат компьютер олинади ва РВОТ ёки индустриал иловалар учун DOS билан таъминланади (Intel процессори базасидаги компьютерлар учун). Шу саноат компьютерда махсус дастур ишга тушурилади—бир ёки бир неча хисоблаш моделларини ишлатувчи ДМК виртуал машинаси. Натижада SoftPLC номланувчи эгилувчан вариант пайдо бўлади. Сўнги фойдаланувчи дастурий таъминотни характеристикаларини кенг чегарада ўзгартириш мумкин. Бу вариантни камчилиги тизим компонентларини баланд нархлари.


## 2. Махсуслаштирилган ДМК

Бу ерда аппарат база сифатида оддий саноат компьютер эмас балки махсуслаштирилган контроллер қўлланилади. Барча керакли дастурий таъминот заводда ДХҚ да ўрнатилади. Оддий ДМК фойдаланувчи учун ёпилган SoftPLC сифатида тадбиқ этиш мумкин ёки ДМК дастурлаш тилларида қўлланиладиган ҳисоблаш моделларини аппарат қўлланадиган махсус ҳисоблаш машинадек.

Махсуслаштирилган ДМК базасидаги тизимни афзаллиги – кичик нарх, қўллаш осонлиги ва баланд ишончилиги. Махсуслаштирилган контроллерни аппарат қисмини кенгайтира олмаслиги ва охириги фойдаланувчи томонидан тизимли дастурлашга ўзгартириш киритиш мумкин эмаслиги камчиликлари бўлиб қолади.

### *ДМК цикли ва қўлланиш сохалари*

ДМК ишлаш асосида дастурни циклик бажарилиши ётади.



**Расм 4.3 ДМК цикли**

Цикл бошланишида киритиш-чиқариш бажарилади. Тармоқдаги турли қурилмалар орасида алмашув амалга ошади, датчиклардан ахборот олинади ва бажарувчи қурилмаларга чиқарилади. Шундан кейин бошқариш алгоритмлари бажарилади ва бир неча вақтдан кейин цикл қайтарилади. Бундай усулни хусусияти-киритиш-чиқариш қурилмалари орасида алмашув аниқ вақт орасида бажарилади. Бу ёндошувни камчилиги- марказий

процессорни тўхтаб туриш вақти катталиги. ДМКни цикли доимий бўлиши учун киритиш-чиқариш суммар вақти ва бошқариш алгоритмини бажариш вақти цикл давридан кам бўлиши керак. ДМК автоматика масалаларини кенг диапазонига мослашган. ДМК саноат регуляторлари ва приводлари билан бирга қўшила оладиган киритиш-чиқариш қурилмаларига эга ва шунинг учун электротехник лойihalашни талаб қилмайдилар. ДМКни турли масалаларни ечишга осон созлаш мумкин. Оммавий қўлланилувчи тизимларда махсус бошқарувчи тизимларни ишлатиш афзал бўлади чунки элемент базасини оптималини танлашга олиб келади.


#### **4.2 Ўрнатилган операцион тизимлар.**

Замонавий операцион тизимларининг(ОТ) турли компонентлари кўп жойларда ва бир бирига боғлиқ бўлмаган холда ишлаб чиқарилаяпти. Бу нарса Unix ядроси асосидаги ОТда яққол кўриналиди. Бундай ёндошув ОТ барча табақаларда стандартлаштириш киритилиши учун пайдо бўлди. UNIX компонент архитектураси ёрдамида Linux ва FreeBSD эркин дастурлардан тузилган тўлиқ функционал сервер ва столли тизимлар пайдо бўлишига олиб келди. Аммо тизимни компонентли модели янги саволларни хал қилишни талаб қилади. Турли дастурлар орасида тизимда боғланишлар пайдо бўлади ва дастурни кичик ўзгарилиши хам унга боғлиқ бўлган барча компонентларни янгиланишни талаб қилиши мумкин. Компонент тизимидаги дастурий таъминотни бошқариш масаласига биринчи навбатда тизим бирлигини сақлаш киради. Дастурий таъминотни (ДТ) тузиш ва қўллаш куйидаги ролларни бўлишини талаб қилади:

- ишлаб чиқарувчи;
- тизимлиадминистратор;
- фойдаланувчи.

Замонавий эркин тарқалиш моделида яна бир роллар гурухи пайдо бўлди – дистрибутивлар ишлаб чиқарувчилар. Улар турли мустақил

компонентларни ягона ва фойдаланишга тайёр ечимларга бирлаштирувчи интеграторлар функцияларини бажарадилар. Дистрибутивлар ишлаб чиқарувчилар Linux ОТда кенг ахамиятга эга бўлдилар. Дастурни тузиш, ўрнатиш ва қўлланиш жараёнида асосий роллар ва боғланишлар 4.4 расмда келтирилган.



**Расм 4.4 Дастурни тузиш ва қўлланиш жараёнидаги асосий роллар**

### Дастурий таъминотни тарқалиш кўринишлари

Дастурни тарқатилишни энг оддий усули - бу дастурни ишлатишга керак бўладиган бажариладиган файл ва кутубхона йиғимларини ўз таркибига киритадиган файлли архив. Аммо дастурларни иккилик кўринишда тарқатилиши айрим муаммоларга эга. Бажариладиган файллар турли архитектура ва ОТлар учун фарқланади. UNIX операцион тизими кўчириладиган тизим сифатида тузилган.

Дистрибутивлар ишлаб чиқарувчилар дастурий таъминотни унификациялаш билан шуғулланганлар. Улар ёрдамида администраторлар ва якуний фойдаланувчилар ДТни ишлаб чиқишдан озод этиладилар, функционал компонентларда ишлашадилар. Турли тизимларда бундай компонентлар пакетлар деб номланадилар. Пакет – дастур ёки дастурлар

йиғимига эга махсус файлли архив. UNIX операцион тизимини тузувчи дастурлар йиғими BSD-тизимларида бошланғич матнлардан пайдо бўлган ва порт тушунчаси киритилган. Internet ривожланиши билан пакетли тизимларда пакетлар сақловчилари (репозитарийлар) пайдо бўлди.



**Расм. 4.5 Пакетни асосий ташкил этувчилари**

- Турли дистрибутивлар билан боғланган кенг тарқалган пакетлар форматлари мавжуд. Хар бир форматда қуйидаги мантиқий тузувчилари бор;
- номланиш – пакетга мустахкамланган дастур номи ёки функция;
- версия – тузувчилар томонидан қўйилган дастур нақли;
- боғланишлар – берилган пакетни ўрнатиш ва ишлатишга керак бўлган версияли пакетлар рўйхати;
- муаллифлар – дастурни муаллифи ёки муаллифлар номи ва боғланиш ахборотлари, лойихани уй бетини манзили;
- тасвир – пакет ҳақида қисқа ахборот; -ичидаги нарса – пакетлар иккилик ёки бошланғич матнли бўлиши мумкин. Хозирги пайтда кенг тарқалган дистрибутивлар Linux — Debian ва RedHat иккилик пакетли тизимлар типик мисоли бўлиб қоладилар . Бу форматлар бошқа дистрибутивларда қўлланиладилар - Mandriva, ALT Linux, Ubuntu ва х.к.




## Windows ва Linux операциян тизимларнинг солиштирма тахлили

Windows 7 32бит разрядли

Linux Операцион тизим тахлили куйида


Операцион тизим тахлили куйида келтирилган.

келтирилган.




Windows Enterprise R2 Thin client server 64 бит разрядли операциян тизимни тахлили куйида келтирилган.


Windows Enterprise R2 Domen server 64 бит разрядли операциян тизимни тахлили куйида келтирилган.




Windows 7 32бит разрядли Linux операцион тизимда  
 Операцион тизимда Процессорга Процессорга тушаётган юкланиш  
 тушаётган юкланиш тахлили куйида тахлили куйида келтирилган.  
 келтирилган.




Windows Enterprise R2 Thin client Windows Enterprise R2Domen server  
 server 64 бит разрядли операцион 64 бит разрядли операцион тизимда  
 тизимда процессорга тушаётган процессорга тушаётган юкланиш  
 юкланиш тахлили куйида тахлили куйида келтирилган.  
 келтирилган.







Windows 7 32бит разрядли Операцион тизимда хотрани бандлигини тахлили куйида келтирилган.




Linux Операцион тизимда хотрани бандлигини тахлили куйида келтирилган




Windows Enterprise R2 Thin client Windows Enterprise R2Domen server  
 server 64 бит разрядли операцион 64 бит разрядли операцион тизимда  
 тизимда хотирани бандлигини хотирани бандлигини тахлили  
 тахлили куйида келтирилган. куйида келтирилган.




Windows 7 32бит разрядли Операцион тизимда дискдаги юкланиш тахлили  
 куйида келтирилган.




Windows Enterprise R2 Thin client Windows Enterprise R2Domen server  
 server 64 бит разрядли операцион 64 бит разрядли операцион тизимда  
 тизимида дискдаги юкланиш дискдаги юкланиш тахлили куйида  
 тахлили куйида келтирилган. келтирилган.




Windows 7 32бит разрядли Операцион тизимда тармоқ тахлили куйида  
 келтирилган.



Lunix Операцион тизимда тармоқ тахлили қуйида келтирилган.



Windows Enterprise R2 Thin client Windows Enterprise R2Domen server server 64 бит разрядли операцион 64 бит разрядли операцион тизимда тизимда тармоқ тахлили қуйидаги тармоқни келтирилган.



### 4.3 Дастурий таъминот ўрта қатлами

Кўпчилик манбаларда, ўрта қатлам ОТ нинг асоси ўзаги, қурилма драйверлари ёки амалий дастурий таъминот дастурий тизими сифатида



берилмайди. Баъзи ОТ ўрта қатлам (воситачи қатлам)нинг ОТга интеграциясини бажаради.

Қисқача воситачи қатлам тизими одатда қурилма драйверлари ёки ОТнинг ўзаги ва баъзан ОТни ўзини қамраб олишни амалга оширувчи тизимли дастурдир<sup>13</sup>.



Расм 4.6 Амалга оширувчи тизим модели ичидаг ивоситачи қатлам

Ўрта қатлами дастурий таъминот бўлиб, одатда дастурий таъминот ва ядро ёки қурилманинг дастурий таъминот драйверлари ўртасидаги воситачи ҳисобланади. Ўрта қатлами шунингдек турли дастурий таъминотларга хизмат кўрсатувчи ва воситачи дастурий таъминотдир.

Хусусан ўрта қатлами мавҳум даража бўлиб, одатда ички қурилмалар билан икки ва ундан ортиқ дастурларда мослашувчанлик, хавфсизлик, қулайлик, боғлиқлик, кўп ёқлама алоқа ва дастурлар ўртасида мослик механизими таъминлайди. Ўрта қатламини фойдаланишнинг асосий афзалликларидан бири у дастур инфраструктурасини марказлаштириш орқали иловалар мураккаблигини камайтириш имконини беради. Лекин ўрта қатламини тизимга жорий қилишда, юқоридагиларга катта таъсир кўрсата

<sup>13</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 445

оладиган қўшимча киритилади. Қисқача, ўрта қатлами барча даражаларда ички тизимга таъсир кўрсатади.

Восита даражаси элементларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб у ўз ичига Хабар Йўналтирилган Ўрта қатлами (MOM), Объект Сўров Воситаси (ORBs), Масофавий чақирув процедуралар (RPCs), маълумотлар базаси маълумотлар базасидан фойдаланиш ва тармоқ протоколлари юқори қурилма драйвер даражаси ва ОСИ моделининг қуйи поғонаси киради.

Аммо, ўрта қатламининг кўп турлари одатда асосий 2 категориянинг бири сифатида таснифланади:

1. Асосий-мақсад, улар, одатда, турли қурилмаларда амалга оширилганда маънога эга бўлади, масалан, тармоқ протоколлари юқори қурилма драйвер даражаси ва OSI моделининг қуйи поғонаси, файл тизими ёки бир неча виртуал аппаратлар JVM каби.
2. Ўзига хос бозор, улар ички тизимнинг муайян оиласига таълуқли бўлади. Масалан, рақамли TV ёки JVM .

Асосий-мақсад ёки ўзига хос бозорми, восита элементи қўшимча хусусияти билан тавсифланади. Компания томонидан дастурни қўллаб-қувватланиши, лицензиялаш ва уни бошқаларга фойдаланишга рухсати энг мухим томонидир.

Мураккаб ички тизим одатда бирдан ортиқ ўрта қатлам элементига эга бўлади, чунки барча белгиланган талабларга эга дастурни қўллаб-қувватловчи ягона технологияни топиш мушкулдир.


Ушбу ҳолатда, ягона ўрта қатлами элементлари бир бирлари билан мослигига қараб танлаб олинади, сабаби кейинчилик интеграцияда қийинчиликларни олдини олишдир.



Баъзи ҳолларда, ўрта қатлами элементларининг бирлашган ўрта қатлами пакетлари тижоратда мавжуд бўлиб, ички тизимда фойдаланилади. Уларга, Java solutions, Microsoft. NET Compact Framework ва CORBA ларни мисол келтириш мумкин<sup>14</sup>.

### Ўрнатилган тизимда иловалар

Ички тизимда охириги дастурий таъминот бу *илова дастурий таъминоти*дир қуйида расмда тасвирланганидек, АС дастурий таъминот тизими томнидан юритиладиган ва унга боғлиқ дастурий таъминот қатламининг энг юқорисида туради<sup>15</sup>.



Дастурий таъминот таркибий илова даражасини қандай турдаги ички тизимлигини аниқлайди чунки ички тизимнинг энг юқори функционал даражадаги мақсадни белгилайди ва қурилманинг администратори бажаради.

Ички стандартларга ўхшаб, ички иловалар ўзига хос бозор (рақамлиТВ) ёки асосий мақсад (бир неча қурилмалар каби яъни браузер)га кўра бўлиниши мумкин.

### Назорат саволлари

1. Дастурий таъминот нима?

<sup>14</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 445-446

<sup>15</sup> Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages 447

2. Реал вақтдаги операцион тизим (РВОТ) нима?
3. Дастурланувчи мантикий контроллер (ДМК, PLC) нима?
4. Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти хусусиятларига нималар киритилади?
5. Ўрнатилган тизимларни дастурий таъминоти қандай усуллари билан қурилади?
6. ДМКни нечта варианты мавжуд?
7. Махсулаштирилган ДМК нима?
8. Махсулаштирилган ДМК базасидаги тизимни афзаллиги нимада?
9. Ўрнатилган операцион тизимларнинг асосий хусусиятлари ва қўйилган талаблар?
10. Window ва Linux операцион тизимларнинг солиштирма тахлили?
11. Дистрибутив деганда нимларни тушунасиз?
12. Илова дастурий таъминот нима?
13. OSI моделининг поғоналарини санаб беринг?
14. Дастурий таъминотни (ДТ) тузиш ва қўллаш қандай ролларни бўлишини талаб қилади?
15. Ўрнатилган тизимда иловалар схемасини тушунтириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. E. A. Lee and S. A. Seshia “Introduction to Embedded Systems - A Cyber-Physical Systems Approach”, LeeSeshia.org, 2011, pages – 491.
3. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011
4. Abraham Silberschatz, Peter B. Galvin, and Greg Gagne, Operating System Concepts with Java, eighth-edition, John Wiley & Sons, Inc. 2013

### **Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая\\_система](https://ru.wikipedia.org/wiki/Встраиваемая_система)
3. <http://www.linuxjournal.com/>
4. <http://www.embedded.com/>

# IV. БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШЎУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1- амалий машғулот. Ўрнатилган тизимлар. Ўрнатилган тизимларининг лойиҳалаш босқичлари ва синфлари. Ўрнатилган тизимларнинг асосий хусусиятлари стандартлари. Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти. Ўрнатилган процессорлар.**

**Ишдан мақсад:** Arduino қурилмаси орқали қандай техник қулай имкониятларни ва ҳаётимизда техник иш унумдорлигини ошириш учун Arduino қурилмасини ўрганиб чиқамиз.

### **Керакли жихозлар:**

- Arduino плата қурилмаси.
- Breadboard.
- USB Кабел.
- Керакли эҳтиёт қисмлари.

### **Жихозларнинг вазифалари:**


1. Arduino плата қурилмаси. Исталган керакли қурилмаларни тизимлаштириш имкониятига эга ва автоматик тарзда ишлаш хусусиятларига эга.
2. Breadboard. Эҳтиёт қисмларини ўрнатиш платаси яъни (запчасть) ларни ўрнатиш учун ва қурилмани тизим орқали текшириб кўришимиз учун керак бўлади.
3. USB Кабел. Бу кабеллар Arduino қурилмасини компьютерга улаш учун фойдаланамиз.
4. Керакли эҳтиёт қисмлари. Масалан лед(светодиод), диод(диод) ва х.к.з.

### **Дастурдан фойдаланиш:**


1. Arduino қурилмаси барча қурилмаларни автоматлаштириш учун мўлжалланган ва у қўлланишда кўп қулайликларга эга.
2. Фойдаланувчи код билан эҳтиёт қисимларни ўзига мослаштира олади.

3. Arduino қурилмаси оддий ва содда кўринишга эга булгани билан жуда кўп функцияларга эга.
4. Дастурни айниқса C++ дастурлаш тили орқали амалга ошириши керак бўлади.
5. Ёзилган дастур асосан битта Атмега 328 контроллерига ўрнатиб Arduino қурилмасида амалий натижани кўриш мумкин.

Қуйидаги расмда Ардуино қурилмаси курсатилган.




Arduino платаси (орқа ва олд тарафдан)

A screenshot of the Arduino IDE software interface. The window title is "sketch\_apr23a | Arduino 1.6.8". The menu bar includes "Файл", "Правка", "Скетч", "Инструменты", and "Помощь". The main editor area shows a sketch with the following code:


```
void setup() {  
  // put your setup code here, to run once:  
}  
  
void loop() {  
  // put your main code here, to run repeatedly:  
}
```

The status bar at the bottom right indicates "Arduino/Genuino Uno на COM1".


Arduino дастрий таъминоти



Тайёр мисоли юклаб кўриш 1-қадам



Тайёр мисоли юклаб кўриш 2-қадам



Тайёр мисоли юклаб кўриш 3-қадам

### Дастур листинги

```

void setup() {

pinMode(13, OUTPUT);

}

void loop() {

digitalWrite(13, HIGH);

delay(1000);

digitalWrite(13, LOW);

delay(1000);

}

```



### **Назорат саволлари**

1. Arduino ўрнатилган тизими тузилиши?
2. Arduino ўрнатилган тизими хухухиятлари ва қўланилиш соҳалари?
3. Arduino платасини тушунтириб беринг?
4. Arduino дастрий таъминоти қандай тузилган?
5. Arduino дастрий таъминоти қандай дастурларда дастур ёзилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011

### **Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [www.tutorialspoint.com/embedded\\_systems/index.htm](http://www.tutorialspoint.com/embedded_systems/index.htm)
3. [www.mypractic.ru](http://www.mypractic.ru)

## 2- амалий машғулот. Ўрнатилган тизимларда хотира. Ўрнатилган тизим платалари шиналари. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти, талаблар ва хусусиятлари ва ўрта қатлами.

**Ишдан мақсад:** Input Output киритиш чиқариш пинлари орқали бирон бир эҳтиёт қисмларни ёки LED лампаларини ёкиб ўчириш.


**Масаланинг қўйилиши:** Input Output киритиш чиқариш пинлари орқали бирон бир эҳтиёт қисмларга сигнал юбориш.

### Ишни бажариш учун намуна


#### Керакли жихозлар:

- ARDUINO плата қурилмаси;
- Breadboard;
- USB Кабел;
- LED лампалар;
- Jumper wires кабеллари.


Қуйидаги расмда тизим архитектурасини кўришингиз мумкин:



**LED лампа тузилиши**



**ARDUINO** пинларининг жойлашуви



**ARDUINO** платаси ва LED лампа ўлашининг бошқа усули

**Дастур листинги**

```
void setup() {
    // initialize digital pin 13 as an output.
    pinMode(13, OUTPUT);
}

// the loop function runs over and over again forever
```

```

void loop() {

digitalWrite(13, HIGH); // turn the LED on (HIGH is the voltage level)

delay(1000);           // wait for a second

digitalWrite(13, LOW); // turn the LED off by making the voltage LOW

delay(1000);           // wait for a second

}

```

### **Назорат саволлари**

1. Arduino ўрнатилган тизими тузилиши?
2. Arduino ўрнатилган тизими хухухиятлари ва қўланилиш соҳалари?
3. Arduino платасини тушунтириб беринг?
4. Arduino дастрий таъминоти қандай тузилган?
5. Arduino дастрий таъминотида кириш-чиқишни ташкил эттиш қандай амалга оширилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011

### **Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [www.tutorialspoint.com/embedded\\_systems/index.htm](http://www.tutorialspoint.com/embedded_systems/index.htm)
3. [www.mypractic.ru](http://www.mypractic.ru)

### 3 – амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизимида кириш чиқишни ташкил этиш. Arduino ўрнатилган тизимида датчиклар ва сенсорлар билан ишлаш. Arduino ўрнатилган тизимида масофавий бошқаришни амалга ошириш.

**Ишдан мақсад:** Датчиклар ва сенсорлар ёрдамида бирон ишда назоратни кузатиш учун қўллайдилар. Бунда мақсад робот орқали одам учун зарарли бўлган худудларга қўллаш мақсадга мувофиқдир.


**Масаланинг қўйилиши:** Датчик ёки сенсорлар ёрдамида ҳаракатланаётган жисмни аниқлашни ўрганамиз.

#### Керакли жихозлар:


- Ардуино плата қурилмаси;
- Breadboard;
- USB Кабел;
- Датчик ва Сенсор модуль.

#### Ишни бажариш учун намуна


Қуйидаги расмда тизим архитектурасини кўришингиз мумкин:



Датчик модулини Ардуино платасига улаш чизмаси



Датчик ва датчик модули



```
intledPin = 13; // инициализируем пин для светодиода

intinputPin = 2; // инициализируем пин для получения сигнала от
пирозлектрического датчика движения

intpirState = LOW; // начинаем работу программы, предполагая, что
движения нет

intval = 0; // переменная для чтения состояния пина

voidsetup() {

pinMode(ledPin, OUTPUT); // объявляем светодиод в качестве OUTPUT
```

```
pinMode(inputPin, INPUT); // объявляем датчик в качестве INPUT

Serial.begin(9600);
}

voidloop(){

val = digitalRead(inputPin); // считываем значение с датчика

if (val == HIGH) { // проверяем, соответствует ли считанное значение HIGH

digitalWrite(ledPin, HIGH); // включаем светодиод

if (pirState == LOW) {

// мы только что включили

Serial.println("Motiondetected!");
// мы выводим на серийный монитор изменение, а не состояние

pirState = HIGH;

}

} else {

digitalWrite(ledPin, LOW); // выключаем светодиод

if (pirState == HIGH){

// мы только что его выключили

Serial.println("Motion ended!");
// мы выводим на серийный монитор изменение, а не состояние



pirState = LOW;

}


}

}
```





Датчик ва Сенсор модули Ардуино платасига уланган ва ишлаш учун тайёр чизмаси





**Датчик ва Сенсор модулининг схемаси**

```
#define trigPin 13

#define echoPin 12

#define led 11

#define led2 10

void setup() {

  Serial.begin (9600);
  pinMode(trigPin, OUTPUT);

  pinMode(echoPin, INPUT);

  pinMode(led, OUTPUT);

  pinMode(led2, OUTPUT);

}

void loop() {

  long duration, distance;

  digitalWrite(trigPin, LOW);

  delayMicroseconds(2);

  digitalWrite(trigPin, HIGH);

  delayMicroseconds(10);

  digitalWrite(trigPin, LOW);

  duration = pulseIn(echoPin, HIGH);

  distance = (duration/2) / 29.1;

  if (distance < 4) {
```

```

digitalWrite(led2,LOW);

} else { digitalWrite(led,LOW); digitalWrite(led2,HIGH); } if (distance >= 200 ||
distance <= 0){

Serial.println("Outofrange");

}

else {

Serial.print(distance);
Serial.println(" cm");
}

delay(500);

}

```

### **Назорат саволлари**

1. Arduino ўрнатилган датчиклар қандай ишлайди?
2. Arduino ўрнатилган сенсорлар қандай ишлайди?
3. Arduino платасини тушунтириб беринг?
4. Arduino дастрий таъминоти қандай тузилган?
5. Arduino дастрий таъминотида харакатланувчи жисмни аниқлаш?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011

### **Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [www.tutorialspoint.com/embedded\\_systems/index.htm](http://www.tutorialspoint.com/embedded_systems/index.htm)
3. [www.mypractic.ru](http://www.mypractic.ru)

**4 – амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизимида кириш чиқишни ташкил этиш. Arduino ўрнатилган тизимида датчиклар ва сенсорлар билан ишлаш. Arduino ўрнатилган тизимида масофавий бошқаришни амалга ошириш.**

**Ишдан мақсад:** ARDUINO қурилмаси орқали истаган қурилмангизни масофавий бошқариш. Бундан мақсад уйингиздаги светни ёқиш ўчиришини масофадан бошқариш. Сиз уйда ёқ булган пайтингизда еса автоматик тарзда ёниқ қолган жихозларни учириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Фойдаланувчи учун қурилмани масофадан бошқариш.

**Керакли жихозлар:**

- Ардуино плата қурилмаси;
- BREAD BOARD;
- USB Кабели;
- Bluetooth модул;
- WiFi модул.


**Жихозларнинг вазифалари:**

Bluetooth модул уй ичида ёки уй атрофида яни 20 метргача бўлган масофадан бошқариш учун керак бўлади.


WiFi модул уйдан узоқроққа чиққанда яъни иш жойингиздан балким 30 метрдан узоқроққа ҳизмат қилиш имкониятига эга.

**Ишни бажариш учун намуна**

Қуйидаги расмда тизим архитектурасини кўришингиз мумкин:



**Bluetooth модули**



### Bluetooth модулини ARDUINO платасига улаш

```
#define ROBOT_NAME "RandomBot"

#define BLUETOOTH_SPEED 9600
#include <SoftwareSerial.h>


SoftwareSerial mySerial(10, 11); void setup()
{
  Serial.begin(9600);
  while (!Serial) {
    ; // wait for serial port to connect. Needed for Leonardo only
  }
  Serial.println("Starting config");
  mySerial.begin(BLUETOOTH_SPEED);
  delay(1000);
  mySerial.print("AT");
  waitForResponse();
  mySerial.print("AT+VERSION");
  waitForResponse();
  mySerial.print("AT+PIN0000");
  waitForResponse();
```

```

mySerial.print("AT+NAME");

mySerial.print(ROBOT_NAME);
waitForResponse();
mySerial.print("AT+BAUD7");
waitForResponse();
Serial.println("Done!");
}
void waitForResponse() {
delay(1000);
while (mySerial.available()) {
Serial.write(mySerial.read());
}
Serial.write("\n");
}

```



WiFi Модел



```

void setup()
{
Serial.begin(115200);
}

```



**5 – амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизимида кириш чиқишни ташкил этиш. Arduino ўрнатилган тизимида датчиклар ва сенсорлар билан ишлаш. Arduino ўрнатилган тизимида масофавий бошқаришни амалга ошириш.**

**Ишдан мақсад:** Arduino қурилмаси орқали микрофон билан ишлаш ва лампаларни ўчириб ёқиш яъни бундан мақсад мусиқаларни турига қараб лампаларни турлича ёқиб учирш.

**Масаланинг қўйилиши:** Arduino қурилмасида микрофонни ўрнатиш.

**Керакли жихозлар:**


- **Arduino** плата қурилмаси.
- Breadboard;
- USB Кабел;
- Микрофон;
- LED лампалар.

**Жихозларнинг вазифалари:**

1. **Arduino** плата қурилмаси. Исталган керакли қурилмаларни тизимлаштириш имкониятига эга ва автоматик тарзда ишлаш хусусиятларига эга.
2. Breadboard. Эҳтиёт қисмларини ўрнатиш платаси яъни (запчасть) ларни ўрнатиш учун ва қурилмани тизим орқали текшириб кўришимиз учун керак бўлади.
3. USB Кабел. Бу кабеллар Arduino қурилмасини компьютерга улаш учун фойдаланамиз.
4. Микрофон овозни филтрлашда ва ёзишда ёрдам беради қурилмага ҳар қандай мақсадда қўллаш мумкин.

## Ишни бажариш учун намуна


Қуйидаги расмда **Arduino** қурилмаси кўрсатилган.



Parameter	Value
VCC	5 Vdc from your Arduino
Ground	GND from your Arduino
Out	Connect to Digital Input Pin
Power LED	Illuminates when power is applied
Sound Detection LED	Illuminates when sound is detected
Sound Set Point Adjust	CW = More Sensitive CCW = Less Sensitive

## Микрофон модули





### Микрофон модулини Arduino платасига улаш

#### *Дастурни коди.*

```
//Arduino Sound Detection Sensor Module
```

```
int soundDetectedPin = 10; // Use Pin 10 as our Input
int soundDetectedVal = HIGH; // This is where we record our Sound Measurement
boolean bAlarm = false;
```

```
unsigned long lastSoundDetectTime; // Record the time that we measured a sound
```

```
int soundAlarmTime = 500; // Number of milli seconds to keep the sound alarm
high
```

```
void setup ()
```

```
{
  Serial.begin(9600);
  pinMode (soundDetectedPin, INPUT) ; // input from the Sound Detection Module
}
```

```
void loop ()
```

```
{
```

```

soundDetectedVal = digitalRead (soundDetectedPin) ; // read the sound alarm
time


if (soundDetectedVal == LOW) // If we hear a sound
{

lastSoundDetectTime = millis(); // record the time of the sound alarm
// The following is so you don't scroll on the output screen
if (!bAlarm){
  Serial.println("LOUD, LOUD");
  bAlarm = true;
}
}
else
{
if( (millis()-lastSoundDetectTime) > soundAlarmTime && bAlarm){
  Serial.println("quiet");
  bAlarm = false;
}
}
}
}


```

### Микрофон орқали лампаларни ёқиб ўчириш.


Қуйидаги расмда Ардуино қурилмаси курсатилган.




Arduino плата қурилмаси



LED лампа тузилиши



Микрофон ва LED лампаларни улаш чизмаси



**Ишлайдиган тайёр намуна**

**Дастурни коди.**

```
//Arduino Sound Detection Sensor Module
int soundDetectedPin = 10; // Use Pin 10 as our Input
int soundDetectedVal = HIGH; // This is where we record our Sound
Measurement
boolean bAlarm = false;
unsigned long lastSoundDetectTime; // Record the time that we measured
a sound
int soundAlarmTime = 500; // Number of milli seconds to keep the sound
alarm high
void setup ()
{
  Serial.begin(9600);
  pinMode (soundDetectedPin, INPUT) ; // input from the Sound Detection
Module
}
void loop ()
```

```

{
soundDetectedVal = digitalRead (soundDetectedPin) ; // read the sound
alarm time
if (soundDetectedVal == LOW) // If we hear a sound
{
lastSoundDetectTime = millis(); // record the time of the sound alarm
// The following is so you don't scroll on the output screen
if (!bAlarm){
Serial.println("LOUD, LOUD");
bAlarm = true;
}
}
else
{
if( (millis()-lastSoundDetectTime) >soundAlarmTime&&bAlarm){
Serial.println("quiet");
bAlarm = false;
}
}
}

```

### Назорат саволлари

1. Arduino ўрнатилган воситалар аудио файллар билан ишлаш?
2. Arduino платасини аудио модули тушунтириб беринг?
3. Arduino дастрий таъминоти қандай тузилган?
4. Arduino дастрий таъминотида харакатланувчи жисмни аниқлаш?
5. Arduino ўрнатилган воситалар микрофон ва LED лампаларни улаш чизмаси?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Embedded Systems Architecture. A Comprehensive Guide for Engineers and Programmers, by Tammy Noergaard, Elsevier 2012, pages – 672.
2. Peter Marwedel, Embedded System Design, Embedded Systems Foundations of Cyber-Physical Systems, 2nd Edition, 2011

**Интернет ресурслар**

1. [https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded\\_Systems](https://en.wikibooks.org/wiki/Embedded_Systems)
2. [www.tutorialspoint.com/embedded\\_systems/index.htm](http://www.tutorialspoint.com/embedded_systems/index.htm)
3. [www.mypractic.ru](http://www.mypractic.ru)

## 6 – амалий машғулот. Arduino ўрнатилган тизими микрофон аудио ахборотни қайта ишлаш ва мусиқа. Arduino дастурларида класслар яратиш. Тугмача объектини яратиш, кутубхона яратиш. .

**Ишдан мақсад:** Button тугмаси сигналларини қайта ишлаш учун Arduino муҳитида класс яратиш.

**Масаланинг қўйилиши:** бизнинг дастуримизда бир нечта тугмаларни қўшиш талаб этилган вақтда, ҳар бир тугма учун ўзининг ўзгарувчиларини, дастурий блокларини ва функцияларини тузиш керак бўлади. Ҳар сафар биз бир хил объектни чақирганимизда дастур уни юклайди, қанақа ўзгарувчилар кераклигини аниқлайди ва энг асосийси ўзгарувчилар номини ўзгартириб бориши керак. Бу муаммони ҳал қилиш учун Arduino дастурлаш тилида класслар яратилган.

### Керакли жихозлар:

- **Arduino** плата қурилмаси;
- Breadboard;
- USB Кабел.

### Ишни бажариш учун намуна

Класслар дастурчига объектнинг янги турини яратиш имкониятини беради. Улар хоссалар ва усуллардан ташкил топган. Хоссалар – класс объектини тавсифловчи маълумотдир. Усул – класс хоссалари устида бажарилиши мумкин бўлган функциялар.

- Класс хоссаси бу ўзгарувчи.
- Класс усули бу унинг функциясидир.

Класс қуйидагича аниқланади:

```
Class класс_номи { класс аъзолари }
```

Класс аъзолари бу ўзгарувчилар, функциялар, бошқа класслар ва ҳ.к.

### Классни яратиш

Бизнинг тугмача объектимизга класс яратамиз ва уни *button* деб

НОМЛАЙМИЗ.

Классимизга ўзгарувчилар қабул қиламиз ва уларни хосса сифатида ЭЪЛОН қиламиз

```
class Button {
  boolean flagPress;
  boolean flagClick;
  byte buttonCount;
  byte timeButton;
  byte _pin;
};
```

Бу ерда *Button* класс номи фигурали қавс ичида класснинг хоссалари келтирилган.

### **Arduino дастурларида класс конструкторлари**

Класс конструкторлари бу класс объекти яратилиши билан автоматик тарзда чақириладиган функциядир.

- конструкторлар класс аъзоси ҳисобланади;
- қайтарувчи тип қийматига эга эмас, ҳаттоки void ҳам;
- класс билан бир хил номга эга.

Бизнинг *Button* классимизда ортиқча марта методларни чақириб ўтирмаслик учун конструктор яратамиз. Параметрларни ўрнатиш эса *button1* объекти яратилиши билан амалга оширилади.

Бунинг учун класс тавсифига конструктор қўшамиз.

```
Button(byte pin, byte timeButton); // конструктор тавсифи
```

Дастур охирида конструктор методини ёзамиз.

```
Button::Button(byte pin, byte timeButton) {
```

```
  _pin = pin;
```

```
  _timeButton = timeButton;
```




```
pinMode(_pin, INPUT_PULLUP); // определяем вывод как вход
}
```

pin ва timeButton параметрларини объект яратилиши билан ўрнатамиз

```
Button button1(BUTTON_1_PIN, 15);
```


### Иккта объектга(тугмага) дастуримиз ишлашини текширамиз

Қуйидаги схема буйича светодиод ва тугмаларни Arduino платасига улаймиз.



